# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 29 октябрь, № 209 (6392) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Тошкент шаҳрида энергия самарадорлигини ошириш бўйича фаолият юритаётган давлат идоралари, илмий тадқиқот муассасалари мутахассисларининг энергия аудити соҳасидаги салоҳиятини юксалтириш масаласига бағишланган тренинг иш бошлади.*

### Қўшма лойиҳа доирасида

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Жаҳон банки ҳамкорлигида амалга оширилаётган “Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш” қўшма лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Таъкидландики, мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, саноат корхоналарида тежамкор технологияларни татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу нафақат юқори сифатли саноат маҳсулотлари тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш, балки сарф-харажатларни камайтириш имконини бераяпти. 2012 йилдан бошлаб рўёбга чиқарилаётган “Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳаси натижалари бунга яққол мисол бўла олади.

(Давоми 2-бетда).

### Юк автомобилларига бутловчи буюмлар

*Юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити туфайли Хоразм вилоятида ҳам тадбиркорлик субъектлари сони йил сайин кўпайиб бормоқда.*

Яқинда улар сафига Шовот туманидаги Канли қишлоғида иш бошлаган “SV SHAVAT GOLD VAN” масъулияти чекланган жамияти қўшилди. Ҳозир бу ерда кичик юк автомобиллари учун совутқичлар ҳамда юкхона усти ёпқичлари тайёрланмоқда. Ушбу лойиҳа рўёби учун 800 миллион сўмлик сармоя йўналтирилиб, энг илғор хорижий технологиялар харид қилинди.

Корхона раҳбари Нураддин Бекжоновнинг таъкидлашича, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар дунё стандартларига жавоб беради. Шу боис улар харидорларга маъқул келмоқда. Жамият тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, 20 та қўшимча иш ўрни яратилиб, жамоа аъзолари сони 35 нафарга етади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Буюртмачилар талабларига мос

*Пиллани қайта ишлашга ихтисослаштирилган “Ромстар” қўшма корхонасининг экспорт салоҳияти йил сайин ошиб бораяпти.*

Ромитан туманидаги мазкур корхона жамоаси шу йилнинг ўтган даврида 470 минг АҚШ долларидан зиёд маҳсулотни хорижлик буюртмачиларга етказди. Бу ерда тайёрланаётган ипак калаваси ўз сифати билан харидорлар эътиборини тортмоқда. Шуни ҳисобга олган корхона тадбиркорлари модернизация ишларини бажариш эвазига ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш ниятидалар. Йил охирига қадар бу ерда умумий қиймати 120 минг АҚШ долларига тенг янги лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади.

Шу каби изланишлар воҳада ҳудудий экспорт ҳажмининг ошишига олиб келаяпти. Чунончи, вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, жорий йилнинг дастлабки ярмида жами 61,1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот ва хизматлар экспорти амалга оширилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Қишлоқ мулкдорлари ҳиссаси

*Айни пайтда Қашқадарё вилоятида 7500 фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Шундан 2930 таси кўп тармоқли субъект ҳисобланади. Эътиборлиси, кейинги бир йилда бу йўналишда иш олиб бораётган қишлоқ мулкдорлари сафи 700 нафарга кўпайди.*

Биргина Нишон туманидаги “Сайдалиев Муҳриддин” фермер хўжалиги жамоаси ўз даромади эвазига қишлоқ марказида замонавий мажмуа барпо этди. Ҳозир бу ерда сунъий қопламали футбол майдончаси, шунингдек, савдо дўкони, пойабзал тузатиш устахонаси, сартарошхона ва аёллар гўзаллик салони ишлаб турибди. Яқинда Италиядан қиймати 350 миллион сўмлик ускуналар келтирилиб, сутни қайта ишлаш ҳам йўлга қўйилди. Эндиликда 10 турдаги сут маҳсулотлари ҳудуддаги савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

— Биз пахтачилик, ғаллачиликдан ташқари, боғдорчилик, чорвачилик ҳамда паррандачилик йўналишларида ҳам фаолият кўрсатаяпмиз, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Сайдали Турсунов. — Даромадимиз ҳам шунга монанд равишда ортиб бормоқда. 2015 йилда “Ташаббус” кўрик-танловининг вилоят босқичида “Энг яхши фермер” деб топилдим. Республика босқичида эса “Менинг юртим — менинг ифтихорим” номинацияси бўйича тақдирландим. Булардан руҳланиб, янада фаол меҳнат қилишга интилаяпмиз.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# КИЧИК БИЗНЕСНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИ



*Жорий йилнинг тўққиз ойида республикамиз озиқ-овқат саноатида 16,7 фоиз ўсиш кузатилди. Бу юртимизда иқтисодиётнинг ушбу тармоғини жадал ривожлантириш, соҳага ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш субъектларини фаол қўллаб-қувватлашга қаратилаётган саъй-ҳаракатлар, қолаверса, мазкур йўналишда ҳаётга татбиқ этилаётган махсус дастурларнинг амалий самарасидир.*

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ

Масалан, ўтган йили Андижон вилоятида сут ва сут маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми 786 минг тоннани ташкил этган эди. Ҳудуднинг 2015/2016 йилларга мўлжалланган озиқ-овқат дастури ижроси асосида жорий йилда бу кўрсаткич янада ошиши кутилмоқда.

Бўз туманидаги “Евро экфин” масъулияти чекланган жамияти ҳам яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, фаолиятини тобора кенгайтириб бораётган тадбиркорлик субъектларидан биридир. Кунига 40 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга мазкур жамият цехлари банкнинг 9 миллиард сўмлик кредити ҳамда 2 миллиард сўмлик ўз маблағи эвазига Европа мамлакатларидан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлангач, бу ерда импорт ўрнини босувчи юқори сифатли йогуртлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ўз навбатида, 100 кишининг бандлиги таъминланди.

Яна бир жиҳат ҳақида. Шу тумандаги “Бўз фарм” масъулияти чекланган жамиятида сутни қайта ишлаш корхоналари учун ускуналар кўргазмаси ташкил этилганидан сўнг қишлоқ жойларда ихчам ва илғор технологияларга асосланган кичик корхоналарни очиш истагида юрганлар сони бирмунча кўпайди. Чунончи, Улуғнор туманида 600 миллион сўм миқдорида инвестиция киритиш шарти билан замонавий ишлаб чиқариш субъектини бунёд этишга киришилган бўлса, бошқа туманларда ҳам бу каби ҳаракатлар бошлаб юборилди.

“Бўз фарм” масъулияти чекланган жамияти бежиз намуна сифатида танлангани йўқ. Гарчи корхона 2014 йилнинг август ойида ташкил қилинган бўлса-да, унинг раҳбари Иброҳимжон Саидохунов бу соҳада катта тажрибага эга.

(Давоми 2-бетда).

# НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

*Шу кунларда жойларда жорий йилнинг 9 ойида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда истиқболдаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.*

## ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

### Қорақалпоғистон Республикаси

Жўқорғи Кенгес раиси М. Ерниязов бошқарган фаоллар йиғилишида жорий йилнинг 9 ойида амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, галдаги вазифалар муҳокама этилди. Таъкидланганидек, ушбу даврда иқтисодиётнинг барқарор ўсишига эришилди. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулот 3 триллион 45 миллиард сўм ёки 108,7 фоизни ташкил қилди. Бунда кичик бизнеснинг улуши 66,7, хизматлар ҳажми эса 46,7 фоизга тенг бўлди.

Инвестиция дастурига мувофиқ, барча манбалар ҳисобидан 4 триллион 508 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилди. Яъни 10 та даволаш-профилактика муассасасида 27 миллиард сўмлик капитал таъмирлаш, 22 та умумтаълим мактаби ҳамда 10 та касб-ҳунар коллежида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Шу билан бирга, 60 та сув таъминоти иншоотида 19 миллиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, 159 километрлик ичимлик суви тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Йиғилишда 2015 — 2019 йилларга мўлжалланган муҳандислик-коммуникация дастури асосида 65 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари рўёбга чиқарилиб, 16 километрлик йўл фойдаланишга топширилгани алоҳида қайд этиб ўтилди. Маҳаллий аҳамиятга молик ва хўжаликлараро йўлларни таъмирлаш учун эса 12 миллиард сўм йўналтирилди ҳамда 30 километрга яқин йўл ишга туширилди.

(Давоми 2-бетда).

## БИЗ ВА ЖАҲОН

Жорий йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро сармоявий форумга Ҳиндистон ишбилармон доиралари вакиллари ҳам катта қизиқиш билан қарамоқда. Хусусан, мазкур анжуманда қатнашиши кутилаётган “Muez-Hest” компаниясининг стратегик тараққиёт масалалари бўйича маслаҳатчиси Ражив Арора “Жаҳон” ахборот агентлигига берган интервьюсида бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

### Ражив Арора: «Мамлакатингизда хорижий инвесторлар учун қулай сармоявий муҳит яратилган»

— Аввало, дунёнинг кўплаб илғор компания ва ишлаб чиқарувчи ташкилотларини ўзига чорлаётган Тошкент халқаро сармоявий форумида “Muez-Hest” компанияси салоҳиятини тақдим этиш имконияти пайдо бўлганидан мамнунлигимизни айтмоқчиман.

“Muez-Hest” ёғ-мой саноати, сабзавот ҳамда мевалар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлашга мўлжалланган ускуналар ишлаб чиқариш, ушбу йўналишда фаолият юритувчи корхоналарни ташкил қилиш, уларни зарур асбоб-ускуна ҳамда жиҳозлар билан таъминлаш бўйича Ҳиндистонда ва кўплаб хорижий давлатларда муваффақиятли иш олиб бораётган нуфузли компаниялардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон тарихан қисқа даврда иқтисодиёти тез суръатлар билан ривожланаётган замонавий давлатлар сафидан жой эгаллади. Бугун мамлакатингизнинг чорвачилик ҳамда боғдорчилик соҳасидаги салоҳияти юқорилиги, шу билан бирга, экспортга хом ашё эмас, тайёр маҳсулот етказиб бериш имкониятлари ортиб бораётгани ва юртингиз тадбиркорлари бундан унумли фойдаланишаётгани алоҳида эътирофга лойиқ кўрсаткич ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

### Миллий авиакомпаниямиз Италияда тақдимот ўтказди

*Италиянинг Римини шаҳрида туризм индустриясига оид дунёдаги энг нуфузли халқаро кўргазма — “TTG Incontri — 2015” якунланди.*



Унда турли мамлакатларнинг 130 дан ортиқ сайёҳлик йўналишлари ҳақида тўлиқ маълумот берилди, 35000 та сессия ўтказилди. Уч кун давом этган ўзига хос йирик ярмаркага 60 мингдан зиёд киши ташриф буюрди.

Мазкур кўргазмада “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси экспозицияси ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Унда юртимизнинг нафақат транспорт-коммуникация салоҳияти намойиш этилди, балки қатор хориж туркомпаниялари билан ўзаро самарали алоқаларни янада мустаҳкамлашга эришилди. Айни чоғда республикамизга ташриф буюриш истагида бўлган бизнес соҳаси вакиллари, ҳамкорлар ва индивидуал сайёҳларга Ўзбекистоннинг замонавий қиёфаси, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, диққатга сазовор жойлари, тарихий обидалари ҳақидаги маълумотлар ҳамда авиакомпаниямиз парвозлар жадвали туширилган буклетлар, реклама маҳсулотлари тақдим этилди.

**М. ҚОСИМОВ.**

# Ўзбекистоннинг «Кредитлаш тизими» жаҳон рейтингида 63 поғона кўтарилди

*Мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланиб, тараққий этган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаб бораяпмиз. Бунинг самараси барча соҳада кузатилаётгани каби банк тизимида ҳам яққол намоён бўлаяпти. Бу эса халқаро миқёсда юксак эътироф этилаётир.*

## ЭЪТИРОФ

Дарҳақиқат, банкларимизнинг молиявий барқарорлиги турли миллий ва халқаро ташкилотларнинг ижобий баҳосига сазовор бўлиб, дунё рейтингида юқори ўринларга муносиб кўрилмоқда. Куни кеча Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпорацияси томонидан “Бизнесни юритиш — 2016” (“Doing business — 2016”) бўйича эълон қилинган мамлакатларнинг янги рейтингида Ўзбекистон қулай ишбилармонлик муҳити кўрсаткичлари бўйича жаҳоннинг 189 давлати орасида 54 поғона кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади. Бу охирги бир йил мобайнида кузатилган ўсиш натижасидир.

Энг юқори ўсиш суръати эса “Кредитлаш тизими” бўйича қайд этилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан бир йўла 63 поғона кўтарилиб, 105-ўриндан 42-ўринга чиққани ғоятда қувонарли муваффақият саналади. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, сўнгги уч йилда мазкур рейтинг кўрсаткичи 112 поғона ўсди.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, энг аввало, инсон манфаатларини, унинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган. Бу жараёнда молия муассасалари ҳам фаол иштирок этаяпти.

(Давоми 2-бетда).

Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпорациясининг «Бизнесни юритиш» йиллик ҳисоботларида Ўзбекистоннинг «Кредитлаш тизими» бўйича дунё рейтингидаги кўрсаткичларининг ўсиш суръатлари



# НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ижроси доирасида саноат, сервис, қишлоқ хўжалиги соҳаларида 115 миллиард сўмлик 1 минг 641 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Пировардида 7 минг 354 та иш ўрни яратилди. Ушбу дастурдан келиб чиққан ҳолда, Қораўзак туманида қиймати 17 миллиард сўм ҳамда 19 миллион АҚШ долларига тенг бўлган, йилига 200 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга корхона қурилиши якунланмоқда. У ишга тушгач, бу ерда 200 нафар киши доимий даромад манбаига эга бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов сўзга чиқди.

## Бухоро

Вилоят ҳокими М. Эсонов бошқарган фаоллар йиғилишида шу йилнинг 9 ойида ялпи ҳудудий маҳсулот 7,1, саноат маҳсулотлари 8,6, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 6,4, пудрат ишлари 10,7, чакана товар айланмаси 14,2, хизматлар кўрсатиш 16,5 фоиз ўсгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, вилоятда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш борасида қўлга киритилган ютуқ ҳамда натижалар эътироф этилгани ҳолда, йўл қўйилган айрим камчиликлар таҳлил қилинди. Енгил саноат корхоналари қувватидан етарлича фойдаланилмаётгани, қолаверса, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ва “Когон ёғ-экстракция заводи” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 32,2 миллиард сўмга камайгани танқид қилинди. Маҳаллийлаштириш дастури бўйича белгиланган кўрсаткичлар бажарилмагани, кўзда тутилган 93,4 миллиард сўм ўрнига 79,7 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилгани хусусида ҳам танқидий-таҳлилий мулоҳазалар билдирилди.

Вилоятда кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги улуши ортиб бораётганига қарамай, соҳа имкониятларидан унумли фойдаланилмай келинмоқда. Шу боис бунинг сабабларини ўрганиш ва бартараф этиш ҳамда тадбиркорлик субъектлари самарали фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратиш, уларнинг истиқболли лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари таркибида “бир дарча” тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини очиш лозимлигига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Бухоро вилояти фаоллари йиғилишида йилни муваффақиятли якунлаш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

## Самарқанд

Фаоллар йиғилишини вилоят ҳокими З. Мирзаев бошқарди. Сим орқали мулоқот тарзида ўтказилган мазкур тадбирда вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, бошқарма ва идоралар, йирик саноат корхоналари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари қатнашди.

Шу йилнинг 9 ойида ялпи ҳудудий маҳсулот 8 триллион 197 миллиард сўмни, яъни 110,4 фоизни ташкил этди. Бунда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 114, чакана товар айланмаси 114, қурилиш-пудрат ишлари 113, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 106 фоиздан иборат бўлди.

Эътироф этилганидек, бугун вилоятдаги иш билан банд аҳолининг 83 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида фаолият кўрсатмоқда. Хусусий секторни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган даврда 766 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Натижада ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 83,7 фоизга етди.

Иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 2 триллион 52 миллиард сўмни ташкил этди. Саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури доирасида 297 лойиҳа рўёбга чиқарилиб, 6108 та иш ўрни очилди. Бандлик дастури доирасида яратилган 72 минг 650 та иш ўрнининг 59 мингтаси қишлоқ жойларга тўғри келди.

Таҳлилий ва танқидий руҳда ўтган йиғилишда қўлга киритилган ютуқ ҳамда натижалар баробарида, йўл қўйилган камчиликлар хусусида сўз юритилиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, 2 йирик корхонада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми камайган, 4 корхонада белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилмай қолган. Шу билан бирга, ҳудудда газлама, тикув ва трикотаж маҳсулотлари, пайпоқ, чарм-пойабзал, галантерея буюмлари, хўжалик товарлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган истиқболли лойиҳалар ҳаётга изчил татбиқ этилаётган бир пайтда, айрим туманларда бундай маҳсулотларни ўзлаштириш ишлари яхши ташкил этилмаган.

Шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратиш чора-тадбирлари чуқур таҳлил қилинди ҳамда бу борада зарур тавсиялар берилди.

Самарқанд вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов сўзга чиқди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Ўзбекистоннинг «Кредитлаш тизими» жаҳон рейтингида 63 поғона кўтарилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Улар томонидан кўрсатилаётган тезкор хизматлар ва ажратилаётган маблағлар кўплаб истиқболли лойиҳаларни муваффақиятли рўёбга чиқариш, минглаб иш ўринларини яратиш имконини бермоқда. Бу “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойилини ўз фаолиятининг бош мезони сифатида белгилаб олган банкларимизда хизмат кўрсатишнинг барча йўналиши замон талабларига мос равишда такомиллаштирилиб борилаётгани самарасидир. Айниқса, иқтисодиётимизнинг етакчи кучига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор.

Президентимиз томонидан юритилаётган оқилона сиёсат, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар туфайли дунёда ҳали-бери давом этаётган глобал муаммо оқибатларининг нафақат олди олинди, балки банкларнинг молиявий барқарорлиги таъминланиб, капиталлашув даражасини янада мустаҳкамлашга эришилди. Буларнинг барчаси республикамиз банк тизими инқирознинг салбий таъсиридан ишончли тарзда ҳимояланганининг яққол тасдиғидир.

Халқаро экспертларнинг таҳлилларига кўра, Ўзбекистон банк тизимида хорижий инвесторлар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилган. Уларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида аниқ мақсадли чора-тадбирлар қабул қилингани, банк тизими босқичма-босқич ислоҳ этилаётгани, уларнинг ресурс базаси тобора мустаҳкамланаётгани ютуқларнинг бош омили бўлмоқда. Пировардида кўрсатилаётган замонавий банк хизматлари сифати тубдан яхшиланиб, кредитлаш ва фоиз сиёсати барча йўналишда кенг кўлам ҳамда миқёс касб этди.

Хусусан, Марказий банк томонидан қайта молиялаш ставкаси 2015 йилнинг 1 январидан 10 фоиздан 9 фоизга пасайтирилганлиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада тараққий этишига кенг йўл очиб берди.

Маълумки, Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг йиллик ҳисоботи мунтазам равишда эълон қилиб келинади. Бу галгисида дунё давлатларидаги бизнес юритиш шароити турли мезонларга биноан баҳоланди. Хусусан, Ўзбекистонда кредитлашнинг тартиб-қоидалари тадбиркор талабига мос равишда йилдан-йилга соддалаштирилаётгани, Марказий банк томонидан фоиз сиёсати тўғри ишлаб чиқилаётгани, қолаверса, кредит ахбороти алмашинуви ҳамда гаров таъминоти бўйича келишувларни амалга ошириш борасида қонунчиликнинг мустаҳкамлангани халқаро экспертлар томонидан ижобий баҳоланди. Булар эса “Кредит олиш” индикатори бўйича рейтингини янада яхшилаш ва юқори ўсиш суръатларига эришишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Умуман олганда, Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпорациясининг бу йилги хулосаси Ўзбекистонда тарихан жуда қисқа давр ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ижтимоий ҳамда сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирувчи етакчи кучга айланганини, қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда мустаҳкам банк тизими қарор топганини халқаро миқёсда яна бир бор тасдиқлади. Бу эса давлатимиз раҳбарининг банк тизимини ислоҳ қилиш борасида қабул қилган Фармон ва қарорлари, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси мамлакатимиз банк тизими томонидан изчил таъминланаётгани натижасидир. Зотан, тизимда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар халқ фаровонлиги ва аҳоли турмуш даражасини оширишга йўналтирилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал суръатларда ривожланиб, банк тизимининг молиявий барқарорлиги таъминланаётгани мустақилликнинг дастлабки йилларида танлаб олинган ҳамда машҳур беш тамойилга асосланган тадрижий тараққиёт йўлимизнинг нақадар тўғри ва оқилона эканлигини қайта-қайта тасдиқламоқда.

**Саид РАҲМОНОВ.**



# КИЧИК БИЗНЕСНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, отаси Муҳаммадазиз аканинг изидан бориб, 1996 йилда “Шаҳрихонсут” ҳиссадорлик жамиятида иш бошлаган Иброҳимжон ўтган давр ичида кўплаб қозонлар, буғ машиналари, сепараторларни нафақат созлади, балки уларни монтаж қилиш, иш самарадорлигини оширишнинг ҳадисини олди. 2006 йилдан эса Шаҳрихон туманидаги “Эдельвейс” масъулияти чекланган жамиятида сутни қайта ишлаш ускуналарини таъмирлаш цехини ташкил этди. Шундан эътиборан, фермерлар, тадбиркорлар учун сутни қайта ишлаш корхоналари фаолиятини йўлга қўйиш бўйича хизмат кўрсатишни бошлади. Шу билан бирга, республикамизнинг турли вилоятларида ана шундай корхоналарни ишга туширишга ҳисса қўшди. Хусусан, у Тошкент вилоятидаги “Чирчиқ музқаймоғи” корхонасини жиҳозлашга кўмаклашди. Ҳозирги кунда бу ерда кунига 60 тонна сут қайта ишланмоқда. Бундан ташқари, Бухоронинг Ғиждувонида, Қорақалпоғистонда, Фарғона водийси вилоятларида ҳам шаҳрихонлик тадбиркор меҳнати сингган талайгина цех ва корхоналар фаолият кўрсатаётир.

— Темирга қайта умр бағишлашдан завқланаман, — дейди у. — Масалан, “Бўз фарм”да ўзимиз ихтиро қилган 360 вольтли буғ қозонини ўрнатганмиз. Бундай ускунани ишлатиш учун бошқа технологик тизимларда алоҳида қозонхона ва ёқилғи талаб этилади. Демакки, сарф-харажат ортади. Бизнинг буғ қозонимизни эса 220 вольтга ҳам мослаштирса бўлади.

Айни пайтда Иброҳимжон Саидохунов бошчилигидаги 15 кишидан иборат жамоа 14 турдаги сут маҳсулотларини аҳолига етказиб бермоқда. Эътиборлиси, “Бўз фарм”нинг изланувчан мутахассислари республикамизда биринчилардан бўлиб сут зардобидан музқаймоқ кукунини олиш технологиясини яратгани ўз самарасини кўрсатаяпти.

Гап шундаки, вакуумли миксер-гомогенизатор ускунаси билан жиҳозланган эритиш қозони ёрдамида ёғ-мой маҳсулотлари (маргарин, майонез ва ҳоказо), сутли маҳсулотлар (сливка, кефир, пишлоқ), қандолат маҳсулотлари (шоколад кремлари, пасталар), фармацевтика ва косметика маҳсулотлари (крем, тиш пастаси, бальзам, гель) ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

Тадбиркор, шунингдек, латвиялик ҳамкорлари билан Бўз ўрмон хўжалиги ҳудудидан ажратилган майдонда саратонга қарши 21 турдаги экологик тоза дори воситаси ишлаб чиқарувчи корхона қуришни режалаштирган. Шу мақсадда “Риганд фарм” қўшма корхонаси рўйхатдан ўтказилмоқда.

Уни ишга тушириш учун хорижлик ишбилармонлар 1,2 миллион евро, Иброҳимжон Саидохунов эса 800 минг евро миқдорида сармоя киритиш мажбуриятини олган.

Кўриниб турибдики, Иброҳимжоннинг янги лойиҳаси рўёбга чиққач, мамлакатимиз валюта захирасини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшилади. Унинг юртимизда тадбиркорларга яратилаётган қулай имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда, фаолият йўналишини кенгайтираётганидан мақсади ҳам шу.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ.**

**СУРАТЛАРДА:** “Евро экфин” масъулияти чекланган жамияти фаолиятидан лавҳалар.

Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.

# Ражив Арора: «Мамлакатингизда хорижий инвесторлар учун қулай сармоявий муҳит яратилган»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Биз ҳам мазкур йўналишда ўзбек ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик қилишни, яъни Ўзбекистоннинг кенг имкониятлар яратилган индустриал зоналарида бизнес юритиш мақсадида Халқаро сармоявий форумда иштирок этишни режалаштираяпмиз.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистоннинг Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ҳамда ҳаётга изчил татбиқ қилинаётган мустақил тараққиёт модели ўта пухта ўйлангани боис бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам ўзининг ҳаётий эканини тўлиқ исботлади. Мамлакатингизда хорижий инвесторлар учун қулай сармоявий муҳит шакллантирилгани, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниб, эркин фаолият юритишлари учун кенг имконият ҳамда афзалликлар яратилгани билан бирга, банк тизимини такомиллаштириш, озиқ-овқат дастурини амалга ошириш ва бошқа шу каби иқтисодий мавзулардаги халқаро конференциялар, мунтазам тарзда халқаро пахта ва тўқимачилик ярмаркаси, инвестиция форумларининг ўтказилиши ҳам Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш стратегик жиҳатдан аниқ режаларга асосланганини англатади, десам, хато бўлмайди.

**«Жаҳон» АА.**
Деҳли

# Қўшма лойиҳа доирасида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, бу лойиҳага мувофиқ, республикамиз саноат корхоналарида энергияни тежаш технологияларини жорий этиш бўйича 76 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилаяпти. Халқаро тараққиёт уюшмаси кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган ушбу лойиҳалар туфайли йилига 547 млн. кВт/с электр энергияси ҳамда 214 млн. куб метр табиий газ иқтисод қилинаётгани эътиборга лойиқдир.

Қувонарлиси, юртимизда бу йўналишдаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Президентимизнинг 2015 йил 5 майдаги “2015 — 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада энергия сиғимини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий қилиш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарори бунда дастурил-амал бўлиб хизмат қилаяпти.

Тренингдан кўзланган мақсад эса давлат хизматчиларининг энергия самарадорлиги, энергия менежменти ва аудити соҳасидаги билим ҳамда тажрибаларини оширишдан иборат. Шу боис унга Молия, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, “Ўздавэнергоназорат”, “Ўздавнефтгазинспекция”, “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциялари, ЎзР ФА, “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти, “Ўзбекнефтгаз” ва “Ўзэлтехсаноат” компанияларининг мутахассислари қамраб олинди.

Машғулотлар соҳада бой тажрибага эга бўлган халқаро экспертлар томонидан олиб борилаётгани, айниқса, унинг қизғин руҳда ўтишини таъминлаяпти. Хусусан, ўқув ва амалиёт машғулотларининг биринчи кунида энергияни тежаш бўйича қабул қилинган давлат дастурларининг асосий жиҳатлари, энергия ресурсларини бошқаришда халқаро тажриба юзасидан маърузалар тингланди. Қиёсий таҳлилларга кўра, бу борада Ўзбекистонда ибратли ишлар олиб борилаётгани эътироф қилинди.

Тадбир иштирокчилари беш кун давомида энергия самарадорлигини оширишга дастурий ёндашув, энергия аудити ва менежменти тизими, энергия истеъмоли таҳлили ҳамда мониторинги, саноатда энергия самарадорлигини оширишнинг экологик жиҳатлари каби долзарб мавзулардаги маърузаларни тинглаб, ўзаро тажриба алмашадилар.

**С. ИБОДУЛЛАЕВ.**

# Олис туманда янги корхоналар

*Зомин туманида жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида олтита ишлаб чиқариш субъекти фаолият бошлади.*

ИЗЛАНИШ

“Илҳом Худойбердиев” хусусий корхонаси — шулардан бири. Ушбу тадбиркорлик тузилмаси банкнинг молиявий кўмаги эвазига ташкил этилди. Ҳозир бу ерда хориждан келтирилган замонавий тикув ва тўқув дастгоҳлари ёрдамида бежирим мактаб либослари тайёрланмоқда.

— Биз яқин келажакда фаолиятимизни янада кенгайтиришни мўлжаллаяпмиз, — дейди корхона мутасаддиларидан бири Рисолат Худоёрова. — Бунинг учун вилоятимиздаги “Juita Gulshana invest” қўшма корхонасидан янги дастгоҳлар харид қилишни ва ишчиларимиз сонини 20 нафарга етказишни режалаштирганмиз. Шу асосда болалар боғчалари ҳамда тиббиёт муассасалари учун чойшаблар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Меҳнатнинг роҳати

*Кексаларимиз дуога қўл очганида, аввалამбор, юртимиз тинч, ризқу насибамиз бутун бўлсин, деб дуо қиладилар. Бугун биз, фермерлар эришаётган муваффақиятлар ана шу дуоларнинг ижобати, десак, асло янглишмаймиз.*

ДИЛ СЎЗИ

Собиқ тузум даврида эртаю кеч ишлаб, уйига бир қоп буғдой келтиришдан ҳадиксираган деҳқон бугун тонналаб буғдойни ўз омборига тўкмоқда. Ўзи етиштирган ғалладан сифатли нон пишириб, халқимизга тортиқ қилаётган ишбилармонлар сафи эса кун сайин кенгайиб бораяпти. Мана, бизнинг фермер хўжалигимиздан қиёс: жорий йилда ғаллазорларнинг ҳар гектаридан 60 центнердан дон ўриб-янчиб олдик. Пировардида 2070 тонна ҳосилни давлатга сотган бўлсак, қолган қисмини ишчи-ходимларимизга тарқатдик.

Режадан ошиқча етиштирилган дон учун олинган даромад ҳисобига хўжалигимиз учун зарур техникаларни харид қилаяпмиз. Келгусида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш ниятидамиз.

Пахтачиликдаги натижаларимиз ҳам чакки эмас. Ғўзанинг “Султон” навини парваришлаб, 1250 тоннадан зиёд юқори сифатли пахта йиғиштириб олдик.

Бизнинг хўжалигимиз фермерлик ҳаракатининг қалдирғочларидан бири ҳисобланади. Дастлаб банк томонидан ажратилган кредит эвазига 40 бош қорамол сотиб олиб, иш фаолиятимизни бошлаган бўлсак, бугунги кунга келиб, ихтиёримиздаги қўй-эчкилар сони 450 бош, қорамоллар сони эса 200 бошдан ошди. Техника паркимизда барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари мавжуд.

Даромадимизга яраша турмуш шароитимиз ҳам кундан-кун яхшиланиб бораяпти. Масалан, хўжалигимизда меҳнат қилаётган ёш оилаларнинг барчаси замонавий уй-жойга эга бўлса, юз кишилик жамоамиз аъзоларининг ҳар бири бугунги кунидан мамнун, эртасидан кўнгли тўқ. Демоқчиманки, истиқлол бизга мулкдор бўлиш, ҳалол меҳнатимизнинг роҳатини кўриш имконини берди.

Президентимизнинг мамлакатимиз деҳқонлари ва фермерлари, барча меҳнаткашларига йўллаган табрикномасида алоҳида таъкидланганидек, “Бугунги кунда ер ўзининг ҳақиқий эгасини топиб, фермерлик ҳаракати қишлоқларимиз тараққиётида ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётгани, далада ишлайдиган ҳар бир одамда ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссиёти кучайиб, уларнинг келажакка ишончи янада мустаҳкам бўлиб бораётгани — буларнинг барчаси нафақат қишлоқ хўжалигини, балки бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартирмоқда”.

Ана шу руҳда бундан кейин ҳам янгидан-янги марралар сари интилаверамиз.

**Санжар БЕРДИЕВ,**
**Термиз туманидаги «Сурхон сарвари» фермер хўжалиги раҳбари.**

ИНТИЛИШ

## Автоматик бошқарув ва самарадорлик

*Қуйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Сирдарё насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармасига қарашли тик қудуқларга автоматик бошқарув ускуналари ўрнатилди. Натижада мазкур мелиорация иншоотларининг самарадорлиги янада ортиб, вақт ҳамда маблағ тежаладиган бўлди.*

Айни чоғда электр энергияси сарфини камайтириш борасида ҳам бир қатор технологик янгиланишлар амалга оширилди. Хусусан, жорий йилда 4 та сув узатиш станциясидаги насос двигателлари замонавийсига алмаштирилди.

— Шунингдек, барча насос станциясини кам энергия талаб этадиган светодиодли лампочкалар билан ёритиш йўлга қўйилди, — дейди бошқарма бош муҳандиси Қобилжон Ҳалимов. — Диспетчерлик пунктимизга эса қуёш батареялари ўрнатдик. Эндиликда насос станцияларини ҳам ана шундай муқобил энергия манбаи билан таъминлашга ҳозирлик кўрилмоқда.

Мазкур бошқарма жамоаси ўз тасаррруфидаги 40 та сув узатиш иншоотидан ташқари, вилоятдаги 600 дан зиёд ички хўжалик насосларига ҳам техник хизмат кўрсатиб келаяпти. Жумладан, улар жорий йилнинг ўтган даврида сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликларига қарашли 140 та насос агрегатини таъмирлаб бердилар.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

*Айни кунларда жойларда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда тураржойларни куз-қиш даврига пухта тайёрлаш юмушлари ниҳоясига етмоқда. Бино ва иншоотлар мавсумга шай ҳолатга келтирилиб, юртдошларимизни ёғинсочинли кунларда табиий газ, электр энергияси ҳамда иссиқлик манбаи билан узлуксиз равишда таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар кўрилаётир. Бу борада Наманган шаҳрида олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ.*

# МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ



Маълумки, қиш мавсумига ҳозирлик жараёни, айниқса, коммунал соҳа ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Ана шу талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, тизимнинг асосий бўғинларидан бири — "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармаси бу борадаги юмушларни анча эрта бошлаб, белгиланган вазифаларни бажаришга эришди. Жумладан, истеъмолчиларга иссиқлик қуввати узатиш тармоқларининг 2 километрдан зиёд қисми мукаммал, 24 та қозонхонанинг 20 таси жорий таъмирдан чиқарилди. Жумладан, 400 миллион сўм маблағ эвазига "Дўстлик-1" қозонхонаси соз ҳолатга келтирилгач, тўла қувват билан ишлай бошлади.

Шунингдек, шаҳардаги 458 та кўп қаватли уйни мавсумга тайёрлаш тадбирлари ҳам жадал бажарилмоқда. Асосий куч ва маблағ, аввало, ўтган йили иссиқлик узатишда қийинчиликлар юзага келган ҳудудларга йўналтирилди. Малакали мутахассислардан ташкил топган махсус гуруҳ қувурлар ва бошқа зарур воситаларни янгилаб чиқди. Бундан ташқари, 22 та бинонинг том қисми мукаммал, 191 тасиники жорий таъмирдан чиқарилган бўлса, 223 та тураржойнинг ертўла қисми мавсумга шай қилиб қўйилди.

Тайёргарлик ишларининг ўз вақтида амалга оширилишида мазкур биноларда истиқомат қилаётган хонадон соҳибларини ўз атрофига уюштирган уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳам фаоллик кўрсатди. Чунончи, иншоотларнинг кириш йўлакларини таъмирдан чиқариш, темир эшикларни янгилаш, электр тизимини қаровдан ўтказишни, асосан, ширкатлар ўз зиммасига олди. Аниқроқ айтганда, кўп қаватли уй-жой фондини мавсумга тахт қилиб қўйиш учун мулкдорларнинг 2,7 миллиард сўмдан зиёд маблағи сарфланди.

— Тасарруфимиздаги 44 хонадондан иборат кўп қаватли уйни куз-қиш даврига биринчилар қаторида ҳозирладик, — дейди "Илғор барака келажак" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Галина Дригайло. — Бунда ўз маблағимиздан ташқари, банкдан олинган 10 миллион сўмликдан зиёд кредит қўл келди. Ушбу сармоядан унумли фойдаланилиб, бино ертўласидаги элеватор янгиланди, канализация қувурлари алмаштирилди. Уйнинг том қисми замонавий турдаги томёпқич — полизол билан қопланди. У илгари қўллаб келинган рубероиддан афзал бўлиб, иссиқликни ишончли асрайди, қуёш нурини ўзига тортиши ҳисобига қўшимча ҳароратни юзага келтиради.

Вилоят марказидаги ижтимоий соҳа объектларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги масаласи ҳам шаҳар ҳокимлиги мутасаддиларининг доимий назоратида. Мазкур йўналишдаги тадбирларни тезкорлик билан ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқилган режага мувофиқ, асосан, 21 соғлиқни сақлаш, 124 та халқ таълими муассасаси, 21 касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, шунингдек, бошқа турдаги 17 та объектда кўзда тутилган вазифалар куз фасли бошлангунига қадар тўлиқ якунланди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 7 июлдаги 2015/2016 йилларда республиканинг иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳасини куз-қиш даврида ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирларига доир қарорида иссиқлик таъминоти узлуксизлигига эришишда устувор аҳамият касб этувчи газ хўжалиги зиммасига масъулиятли вазифа юкланган. Шундан келиб чиқиб, "Водийгазтаъминот" унитар корхонасининг Наманган шаҳар филиали мавсумолди юмушларга ҳар қачонгидан барвақт киришди. Ҳозирги пайтгача 1092 та газ тақсимлаш қурилмаси профилактик кўрикдан ўтказилиб, 600 метр тармоқ мукаммал таъмирланди, 4,7 километри реконструкция қилинди. 89,2 километр узунликдаги қувурлар эса юқори босим остида синовдан ўтказилиб, ҳаво ёрдамида тозаланди.

— Мутахассисларимиз истеъмолчилар талабини тўлароқ қондириш мақсадида мавжуд газ тармоқлари ва қурилмаларини хатловдан ўтказишди, — дейди филиал бош муҳандиси Жаҳонгир Абдуллаев. — Натижада бир қатор ҳудудларда аниқланган камчилик ҳамда носозликлар бартараф қилинди. Мисол учун, 38329 хонадонни табиий газ билан таъминловчи "Наманган" автомат газ тақсимлаш станциясининг асосий тармоғида амалга оширилган ана шундай тадбирдан сўнг бу ерда чиқиш босими кўзда тутилган меъёрга етказилди. Пировардида Чаманзор, Ишонч, Атанган гузар, Истиқбол ва унга туташ бўлган қатор маҳаллаларда таъминот яхшиланди.

Шуни таъкидлаш керакки, шаҳардаги 25 мингдан зиёд хонадон асосий тармоқдан узоқда бўлганлиги боис уларга табиий газ етказиб бериш имконияти бирмунча чекланган. Ушбу масалани ижобий ҳал этиш мақсадида мазкур тураржойларни жадвал асосида суюлтирилган ёнилғи билан таъминлаш йўлга қўйилди. Бунинг учун 8 та махсус автомашина жалб қилиниб, сентябрь ойининг ўзида юқоридаги хонадонларга 142 тонна суюлтирилган газ етказиб берилди. Ана шу саъй-ҳаракатлар куз-қиш даврида изчил давом эттирилади.

Иситиш мавсумининг муваффақиятли ўтишида муқобил ёнилғи таъминотини пухта йўлга қўйиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу вазифанинг уддасидан чиқиш учун тегишли идора ва ташкилотлар сафарбар қилинаяпти. Хусусан, шаҳар ҳокимлиги қарори билан тасдиқланган тадбирлар режасига кўра, иситиш мавсуми учун ижтимоий соҳа муассасаларига 4485 тонна кўмир жамғарилди. Аҳоли хонадонларига эса 16,7 минг тонна кўмир етказиб бериш режалаштирилган.

Ҳарорат пасаядиган кунлар тобора яқинлашмоқда. Бу эса тайёргарликни талаб даражасида ниҳоясига етказишни тақозо этади. Мавсум масъулиятини чуқур ҳис қилган наманганлик коммуналчилар ва улар билан елкама-елка турган таъминотчи корхоналарнинг диққат-эътибори ҳамда саъй-ҳаракати ана шунга қаратилган.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ёш тадбиркор – юртга мададкор

*Ёшлар ижод саройида "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" лойиҳаси ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

ҒАМХЎРЛИК

Тадбир "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, "Ҳунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратилиб, ишбилармон ёшларни ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги Фармони ва 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал вазифасини ўтаяпти.

Айтиш жоизки, "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" лойиҳаси 2008 йилдан буён ўтказиб келинаётган бўлиб, ҳозиргача унда 40 мингдан зиёд йигит-қиз қатнашди. Тўққиз мингга яқин ёш тадбиркор 49 миллиард 502 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар олишга муваффақ бўлди.

Лойиҳа доирасида Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган "Камолот" ёшлар оромгоҳида республика босқичи иштирокчилари учун семинар-тренинг уюштирилди. Ундан кўзланган мақсад, йигит-қизларни тадбиркорликка оид ҳуқуқий ҳужжатлар билан янада кенгроқ таништириш, ишбилармонлик ҳақидаги билим ва тушунчаларини бойитишга кўмаклашишдан иборатдир.

— Тажрибали мутахассислар ёшларга тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир қонунлар, бизнес-режа тузиш ва уни рўёбга чиқаришда банк кредитларидан фойдаланиш каби соҳага тегишли масалалар юзасидан тавсиялар беришди, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг тадбиркорлик лойиҳалари координатори Бахтиёр Мамадалиев. — Жумладан, "Бизнесни тартибга солувчи қонуний-меъёрий ҳужжатлар", "Кичик бизнеснинг юридик мақомини танлаш", "Тижорат банкларининг кредит сиёсати", "Бизнес-режа тузиш талаблари", "Кичик бизнесда брендинг ва нейминг", "Корхона маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш", "Тадбиркорлик фаолиятида хавфсиз меҳнат шароитини яратиш — меҳнат муҳофазасининг омили" каби мавзуларда ташкил қилинган амалий машғулотлар қизиқарли ва мазмунли кечди.

Тадбирда энг истиқболли бизнес-режалар ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди. Ғолиб деб топилган 28 нафар йигит-қизга тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи дипломлар топширилди. Шунингдек, беш нафар иштирокчи "Қишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш", "Энг яхши инновацион лойиҳа", "Энг кўп иш ўрни яратган ёш тадбиркор", "Ижтимоий тадбиркорликка йўналтирилган лойиҳа", "Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган лойиҳа" номинациялари бўйича рағбатлантирилди.

Тақдирлаш маросимида эстрада хонандалари ҳамда ёш ижрочилар иштирокида концерт намойиш этилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**сизларни 2015 йил 1, 3, 8 ва 10 декабрь кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган савдоларга таклиф этади.**

**Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамияти устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қўйилади:**

| Объект номи | Сотилаётган объект | | Савдога қўйилаётган объект бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|
| | манзили | асосий фаолият йўналиши | сўм | АҚШ доллари |
| «Zarbdor miller" МЧЖ | Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, «Лалмикор» фуқаролар йиғини | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш, жумладан, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш | 462 517 827,0 | 185 735,21 |

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари.

Савдо ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни савдо ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт. Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 3 (уч) йилдан ошмаслиги лозим. Савдо объекти хўжалик жамияти фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб бериш шарти билан сотилади.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган объектни сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб тўлашни, шунингдек, сотиб олиш тўловлари тўлиқ тўлангунгача объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмиллийбанк» бундан мустасно) амалга оширилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), савдо ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, савдо ташкилотчисининг савдони ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:**

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, савдода иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;
- икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари: сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варағи талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлар тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган улуш бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдоридаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ҳамда буюртманомаларни қабул қилиш иш кунларида мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхона билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар, унинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Савдоларга тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).

**Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:**
**Сотувчи (банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.**
**Телефонлар: (0-371) 234-11-22, 234-15-60.**
**Тел./факс: (0-371) 234-43-31.**
**Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона.**
**Телефон: (0-371) 233-02-49. Тел./факс: (0-371) 233-23-40.**
**Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru**

Шунингдек, «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖ томонидан 2015 йил 27 октябрь куни тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ўтказилган савдоларда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг «Toshkent qog'ozi» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз улуши — 29 198 000 000 сўмга ҳамда «Asia pipeplast» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз улуши — 45 635 560 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357.

1623А/30









## «SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Бухоро вилояти хўжалик судининг ижро варақаларига асосан хатланган, «Қоракўлдонмаҳсулотлари» АЖга тегишли, Қоракўл тумани, Тошкент кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 208,4 кв.м.дан иборат бўлган «Наврўз» чойхонаси ва ошхона бино-иншоотлари арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 301 818 624 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 16 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Мазкур кўчмас мулклар 2015 йил 16 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 1 декабрь куни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносида бўлиб ўтади.

Мулкдор бўлиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси — «Shad savdo zamin» МЧЖга юқорида кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун АТБ «Ҳамкорбанк» Бухоро филиалидаги МФО: 00966 СТИР: 302097424, 20208000004935078002 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхасини, талабгорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхасини тақдим этишлари шарт.

Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига 1 кун қолганда тўхтатилади.

**Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: «Shad savdo zamin» МЧЖ, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 106-хона. Телефон: (0-365) 221-51-62.**

Хизматлар лицензияланган.

1614А/765

# Муносиб ворислар

*Марғилон шаҳрида қадимдан ҳунармандчиликнинг бир неча тури шаклланиб, асрлар оша авлодлардан-авлодларга мерос сифатида ўтиб келмоқда. Ушбу анъанани изчил давом эттириш, ёшларга ҳунар ўргатиш орқали соҳани янада ривожлантиришга бугун алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада, айтиш мумкинки, ҳудуддаги миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежининг ўзига хос ўрни бор.*

## ҲУНАРМАНДЧИЛИК

Мазкур ўқув даргоҳида 512 нафар ўқувчи таҳсил олаяпти. Уларга миллий ва бадиий либослар модельери, тикув ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш техник-технологи ҳамда зардўзлик йўналишлари бўйича 26 нафар махсус фан ўқитувчиси ва 10 нафар мураббий пухта билим бермоқда.

Коллежда ёшлар учун барча шарт-шароит яратилган бўлиб, синф хоналари замонавий ўқув қуроллари ҳамда кўргазмали воситалар билан жиҳозланган. Шунингдек, ҳар бир йўналишга доир алоҳида устахоналар мавжуд. Бу эса ўқувчиларнинг ўзи танлаган ҳунар бўйича дастлабки кўникма ҳосил қилишида муҳим омил бўлаётир.



Таъкидлаш жоизки, йигит-қизлар бундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, чуқур билим олиш, касб-ҳунар сирларини эгаллаш баробарида, ўзларининг нималарга қодирлигини амалда намоён этмоқдалар. Масалан, коллеж ўқувчиси Наргиза Абдусатторова "Юксак маънавиятли авлод" фестивали доирасидаги кўрик-танловнинг вилоят босқичида "Энг иқтидорли ҳунарманд" йўналиши бўйича 1-даражали диплом билан тақдирланди ва ушбу тадбирнинг мамлакат босқичида Маънавият тарғибот марказининг сертификатини қўлга киритди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

— Ўтган 2014/2015 ўқув йилида 185 нафар йигит-қиз билим масканимизни муваффақиятли тамомлаган эди, — дейди коллеж директори Инобатхон Азимова. — Улардан тўрт нафари олий ўқув юртига ўқишга кирган бўлса, қолган битирувчиларимизнинг барчаси уч томонлама шартнома асосида шаҳримиздаги "Ёдгорлик", "Барс" масъулияти чекланган жамиятлари, "Асл ипак гиламлари" хусусий корхонаси чеварларига айланди. Ўқувчиларимиз сони йилдан-йилга ошиб бораётир. 2015/2016 ўқув йили учун 205 нафар йигит-қиз ўқишга қабул қилингани бунинг исботидир.

Яқинда Фарғона вилояти ҳокимлиги, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ва республика "Ҳунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида Марғилонда уюштирилган "Атлас байрами" фестивалида миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи қизлари томонидан тикилиб, намойиш этилган ҳунармандчилик буюмлари хорижликларни ҳам лол қолдирди. Бу, албатта, ёшларимиз аждодларга муносиб ворислар бўлиб етишаётганини тасдиқловчи яна бир далилдир.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** Марғилон миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи ҳаётидан лавҳа.

**Муаллиф олган сурат.**

## ТАДБИР

*Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Куйла, ёшлигим!" эстрада-вокал танловининг мамлакат босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.*



Оқил ҒУЛОМОВ (ЎзА) олган сурат.

# Ёшлик наволари

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловда мусиқа санъати йўналишида изланаётган йигит-қизлар ўз билим ва истеъдодларини намойиш этдилар.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ўтказилган ижодий кўрикнинг дастлабки босқичларида 1500 нафардан зиёд ёшлар қатнашди. Улардан 15 нафари республика босқичи йўлланмасини қўлга киритди.

Мазкур кўрик-танловдан кўзланган асосий мақсад — навқирон авлодни миллий ва жаҳон мусиқасининг энг нодир намуналаридан баҳраманд этиш, уларнинг санъатга бўлган меҳрини ошириш, қизиқишини янада кучайтиришдан иборат.

"Куйла, ёшлигим!" эстрада-вокал танловида Қорақалпоғистон Республикасидан Султон Оразимбетов Гран-при соҳиби бўлди. Тошкент шаҳридан Ёрқинхўжа Умаров биринчи, Карина Газиенц иккинчи, Ирода Дашкинова учинчи ўринни эгаллади. Уларга ташкилотчилар томонидан дипломлар топширилди.

Тадбир сўнгида санъат усталари ва ижодкор ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

**Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.**

# Бахшичилик санъати

*Қарши шаҳрида "Номоддий маданиятда бахшичилик санъатининг ўрни" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.*

## АНЖУМАН

Қарши давлат университети профессор-ўқитувчилари, маданият ходимлари, фольклор жамоалари вакиллари, бахши-шоирлар ва талабалар қатнашган мазкур тадбирда номоддий маданий меросни ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, келгусидаги режалар ҳақида сўз борди.

Маълумки, бахшичилик халқ оғзаки ижодининг кенг тарқалган жанрларидан бири бўлиб, унда адолат ва ҳақиқат, ватанпарварлик ҳамда қаҳрамонлик каби эзгу фазилатлар юксак пардаларда тараннум этилади. Ижоднинг ушбу йўналиши мустақиллик йилларида янада ривож топди ва сайқалланди. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги "2010 — 2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори, айниқса, муҳим ўрин тутмоқда.

Тадбирда эпик анъаналарнинг сақланиши ва ҳозирги ҳолати, халқ қўшиқларининг маданий ҳаётимиздаги аҳамияти, бахшичилик санъатида "Устоз — шогирд" анъаналари юзасидан фикр алмашилди.

Якунда бахшилар томонидан халқ достонларидан парчалар ва термалар ижро этилди.

**Аброр МЕЛИБОЕВ.**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР




### «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2015 йил 2 декабрь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2015 йил 14 июлдаги 1-687/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Фарғона шаҳри, 24-сонли «Шакар қишлоқ» МФЙ, Широқ кўчаси, 61-уйда жойлашган, ер майдони 800 кв.м., қурилиш ости майдони 373 кв.м., фойдаланиш майдони 288,58 кв.м. бўлган, 0001-0014-литерлардаги қурилиши тугалланмаган туражой.

***Бошланғич баҳоси — 270 082 682 сўм.***

**2.** Фарғона шаҳри, 24-сонли «Шакар қишлоқ» МФЙ, Широқ кўчаси, 67-уйда жойлашган, ер майдони 716 кв.м., қурилиш ости майдони 78,85 кв.м. бўлган, 0001, 0002-литерлардаги қурилиши тугалланмаган туражой.

***Бошланғич баҳоси — 50 423 316 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 30 ноябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

2015 йил 18 ноябрь куни соат 14.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2014 йил 30 январдаги 1-29/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, Баҳор кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 543,46 кв.м., фойдаланиш майдони 464,38 кв.м. бўлган новвойхона ва сомсахона («Чинор» чойхонаси) арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 278 550 184 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 16 ноябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 20-хона.**
**Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.**

Хизматлар лицензияланган.

1613А/34




### СП ООО «ELEKTR QUVVAT QURILMALARI»

EQQ ELEKTR QUVVAT QURILMALARI

**производит и осуществляет поставку современных, высокотехнологических и энергосберегающих трансформаторов:**

Товары сертифицированы

- **трансформаторы тока** 0,66 кВ 50 — 2000А;
- **трансформаторы тока** 10 — 35кВ, типы ТПОЛ, ТОЛ 50 — 1000А;
- **автоматические выключатели** CHANA, аналоги DS, ВА 10 — 800А.

Форма оплаты — перечислением.

**Адрес: г. Ташкент, Яшнабадский р-н, ул. Муйнакская, 201.**
**Тел.: (+99890) 995-89-78, (+99871) 298-76-79. E-mail: speqq@mail.ru**

1509R/735



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 73 377 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5